

СОВЕТ ҚУШИНЛАРИ ҚАРШИ ҲУЖУМИ БОШЛАНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

УНУТИЛМАС ҚАҲРАМОНЛИК

Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги майдонда Ҳаёт Октябрнинг 64 йиллиги байрами кунини бўлган меҳнатқашлар намоёнида бир қолонида ўтди. Қолонидаги унчалик енгил қадам ташлаб олмади, тавалларини ҳам у қадар тик тутолмас, баъзиларнинг қўлида ҳасса бор эди. Улар минбар олдида келганларидан олқилар ёғилиб кетди. Бу — Москвадаги марш ҳимоячилари эди...

Бундан қирқ йил муқаддам 5—6 декабрь кунлари Совет Армияси дастлабки қолонида оқимини ташлади. Москва остоида қатта куч тўплаган Гитлер биринчи марта мағлубият нима эканлигини сезди. Вақодалар, у бутун эфирининг асосий кучларини Ватанимиз юрғатини қаратган эди. Унинг «Тайфун» номи билан аталган операциясини «Марказ» армия гуруҳлари ҳужуми амалда ошириш керак эди. Бу армия составида бутун совет-герман фронтдаги душман одам кучларининг 42 проценти, танкларининг тўртдан уч қисми, тўп ва минометларнинг учдан бири жамланган эди.

Гитлер ҳарбий қуролларига ишонарди. Лекин у бир нарсани — совет жангчиларининг она-Ватанига бўлган беғиб содоқатини, қудратли куч ҳисобланган халқлар дўстлигини ҳисобга олмаган эди. Мана шу содоқат, мана шу дўстлик кучи фашистларнинг режаларини поғча чикарди. Гитлер 7 ноябрда Москвада ҳарбий парадни қабул қилиб олиш ниятида эди. Ҳатто Москва комендант ҳам тайинлаб қўйилган эди. Берлин газеталари галаба ҳақидаги шонли хабар учун бир неча марта жой қолдирган эдилар.

Бироқ, бутун мамлакат оёқда туриб қудратли бир мушта айланди. Ўзбекистонда ҳам шонли ҳарбий қўшинлар турди. Туркистон ҳарбий округида тузилган Панфилов дивизияси, 34, 35-алоҳида ўқчи дивизиялар етти кечиб ўз байроқини шараф ва шонга буржидилар. Алишсиз, Дубосеков разведкада жанг қилган 28 панфиловчининг жасорати тилларда дoston бўлди. Сисей раҳбар Василий Ключовнинг «Россия беғиб, лекин чекинишга ўрин йўқ — орқамизда Москва турбиди!» деган сўзлари жангчиларнинг шонига айланди.

Совет қўшинларининг қарши ҳужуми ва умумий ҳужуми натижада душманин 50 тага ҳаёт дивизияси тор-мор этилди. Гитлерчилар ярим миллиондан ортиқроқ одамдан, 1300 танк, 2500 қўш, 15 миңдан ортиқ машиналар ва бошқа кўп техникадан ажради.

Халқимиз Москва жанги қаҳрамонларини асло унутмайди. Тошкентдаги В. И. Ленин элми майдонда «Номаълум солдат» ёдгорлиги бор. Бу ерда қаҳрамон шахар — Москва остоидаги халок бўлган ҳаётларимиз хони олиб келинган. Ёдгорлик олдида зияратчилар сира армийиди. Улар марҳумлар хотирасини муқаддас билиб бори эдилар.



Суратда: учрашув қатнашчилари (ўнгдан чапга) Н. Тошқулатов, М. Диев, Т. Аҳмаджошев, Х. Зуфаров, У. Тоиров, К. Андрюшин, А. Мансуров, Я. Абраменко ва Х. Муротова ўртоқлар.

нинг артиллериячи ва пилотларимиз ўт очиб, уларни чекинишга мажбур этидилар. Кун бўйи давом этган жангларда саперларнинг сафлари ҳам сийрақлашиб қолди. Қоронгу тушиши билан қўмондонлик буйруғига кўра қисм жангдан олиниб, Нара дарёси ёнида мудофаяга оғаллади. Бу илгаридан тайёрлаб қўйилган муштақамланган мудофая марраси эди. Полк Тарутини қишлоғини мудофая қилар экан, душмани эди бир қадар ҳам яқинлаштирмади. Кейин Нурдош ака ўз қисми билан Серпухово шаҳри яқинида, деярли бошларидан эса Габрий фронтда қўшинларимизнинг Истра шаҳри яқинидаги умумий ҳужумида қатнашди. Бу ерда фашистларнинг вақтинчалик гувоҳ бўлди. Гитлерчилар Истрада бир неча кун бўлиб шахарни портлатиб, ёқиб юбордилар. аҳолини ҳайлаб кетдилар, болаларни, қаришларни ўлдирдилар. Неҳислар чекиниб туриб Истра сув омборини ҳам портлатдилар. 40 даража совуқ бўлган учун сув узюқча бормай музлаб қолди.

«ЭСИМДА ЎША ДАКЛАР»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Ҳанифа МУРОТОВА Москвадан Берлингача борган, кейин эса Шарқий фронтда ва ҳарбий санитария поездиди хизмат қилган жанговар аёлларимиздан. Унинг кўксиди Қизил Юлдуз ордени, 12 медал, шу жумладан, «Москва мудофаяси учун», «Германия устидан қозонилган галаба учун», «Япония устидан қозонилган галаба учун» медаллари бор.

Ҳанифа опа уруш бошланган дамда 2-Москва медицина институтининг студенти эди. Комсомол йўлнамаси би-

вида Москва яқинидаги жангларда қатнашган. Дивизия жангчилари олис марраларда туриб пойтахтни ҳимоя қилиш учун Москва — Минск автострадаси бўйлаб душманга рўпара боришган.

Санд Исхондарович урушнинг дастлабки кунлари ҳақида гапириб берди:

— Артиллерия тайёргарлигини кейин ва бизнинг позицияларимизни кучли бомбардировка қилган, фашистлар Березинадан кечиб ўтишга уринишди. Аммо мудофаямизни ериб ўтишининг уйдасидан чиқолмадилар. Душман ҳужумларини қайтарган дивизия ҳам жиддий талафот кўрди.

Жангларнинг бирида Санд ака икки еридан ўқ билан яраланиб, сифдан чиқди.

Олий қўмондонлик Москва дивизиясини турли фронтларнинг энг оғир участкаларига ташлар эди. Октябрнинг иккинчи ярмида Наро-Фоминск районига вазият жуда оғирлашиб қолди. Волоколамск йўлида моҳирона мудофаяда турган панфиловчилар дивизияси сингари бу дивизия пойтахт тақдирини ишониб топширилган қўшнларидан бири бўлди. Дивизия алоқачиси сержант Николай Новиков жангларнинг бирида қаҳрамонона халок бўлди. Алоқа узилиб қолганда у синини улашга борди. Аммо ертўлага қайтиб келмади. Бироз ўтган ўртоқлари уни икки синининг учини тишлаб, қотиб қолган қўшлариди кийлиниб чағаллаганича ўтган ҳолда қўшдилар. Ундан нарироқда фашистлар мурдалари ётарди. Қўмондонлик учун керакли алоқа ана шу ҳолда тазминланган эди. Новиков жасорати кейинчалик кўпгина асарларда, кинофильмлар, шеърлар ва ҳикояларда мадҳ этилган.

Москва Пролетар дивизияси сафларида мамлакатимиздаги турли миллат вакиллари елкама-елка туриб жанг қилишган. Шу жумладан, ўзбеклар ҳам бўлган. Станокли пулемёт навбатчаси, кичик сержант Турғун Аҳмедов жасорати билан биз ҳамон фахрланамиз, дейди С. Исхон. Немак дарёсини кечиб ўтишда мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган бу жангчининг номи дивизия бўлимчалари рўйхатига абадий ёзиб қўйилган.

«Тошкент ҳақиқати» редакциисиди бўлган учрашува натижасида, 35-алоҳида ўқчи бригадда рота командири бўлган старший лейтенант Махмуд ДИЕВ, янгилуқли истребитель капитан Константин АНДРЕЙШИН, старшина Яков АБРАМЕНКОлар ҳам ўз хотираларидан ҳикой қилиб бердилар.

С. МУСАЕВ.

Ректор Н. НАСИМОВ.

БҮЮК ҒАЛАБА ДЕБОЧАСИ

МОСКВА ЖАНГИ ҚАТНАШЧИЛАРИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МЕҲМОНИ

Бу йилги Октябрь байрамида қатнашган Москва жанги қаҳрамонлари қолонисидида ҳам унинг ёнидан. Намоёнилар ҳибобидан ўтар эканлар қуролдошларини ҳаётини билан қатла ётди олдидар. Қолонисидида бири тошкентлик истребодатчи полковник ҲОЖИ ЗУФАРОВ эди.

Ҳожи Ҳошимович Москва остоидаги уруш ҳаракатларини Малоярославец йўналишида Горки посёласида бошлаган. Бу ердан пойтахтгача бор йўли 30 километр келарди. Ҳожи ака хизмат қилган 93-ўқчи дивизия қисмлари етиб келиши билан фашистларнинг ҳужуми тўхтади. Кейин маълум тайёргарлик қўрилгандан сўнг душман пойтахтдан анча узоқча улоқтириб ташланди. Москва яқинидаги жанговар хизматлари учун у биринчи марта Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Шу жангдан сўнг бу дивизияга гвардиячи номи берилди ва 28-ўқчи дивизияга айлантирилди.

Кунини кеча Ҳожи Зуфаров Москвага юбилей тантаналарида қатнашиш учун Ўзбекистондан вакил бўлиб кўнаб кетди.

Тошкент Округ офицерлар уйи революция ва граждандар уруши ветеранлари Совети раисининг муовини Умар ТОИРОВ ҳам урушнинг дастлабки кунларида фронтда отланган эди. У хизмат қилган 44-отлиқ дивизия Габрий фронтнинг 16-армияси иштироғида берилди. Бу дивизия биринчи жанговар ҳаракатларини Волоколамск шаҳри шимол-шарқидида Териево — Свободо районига бошладилар. Отиларимиз душман ҳужумини тўхтатиб қолиш тўғрисида жанговар тошириқ олган эдилар. Сурунсизига 10 кун тўхтовсиз давом этган қанчалик ва қонли жангларда улар 6-гвардиячи ўқчи дивизия ва давгорчиларнинг 2-гвардиячи кавалерия корпуси билан биргаликда фашистлар йўлига гов бўлдилар. Октябр ойининг охирида келиб немис-фашист қўшинларининг шу йўналишдаги ҳужуми тўхтади. Кейин Умар ака Тоиров ўз қисми билан Клин, Истра, Солнечногорск, Крюково районларида ёнбасиз жангларнинг гувоҳи бўлди. Декабр ойининг охирида фронтнинг ўнг қаноти қўшинлари Лама ва Руза дарёлари ёнига душманин қувиб борди. Сўнг дивизияга дам берилди.

1941 йил, декабрь

Бундан 40 йил бурун ИҶДОШ ака ТОШҚУЛАТОВ Ҳарбий инженерлик билим юртини битирган ёш офицерлардан эди. У урушнинг бошидан охиригача актив қатнашди: саперлар ротасининг командири сифатида Дон фронтда, Сталинград яқинида жанг қилди. Днепрни кечиб ўтди, Украина ерларини озод қилди. Руминия, Югославия, Венгрия ва Австрия жангоҳларида бўлди. Урушнинг ҳарбий десант полки инженерлик хизмати бошлиғи лавозимига тутатди. Иккинчи даражали Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени ва 14 жанговар медаллар билан тақдирланган бу ветеран ҳозир ҳам сафда. «Усталейинструкция» трестиди кадрлар бўлими бошлиғи. 1941 йил декабрдаги воқеалар унинг хотиридан ҳамон нари кетмайди.

Москва бусгаларига яқинлашишга эъри бериб нитилаётган душманга қарши у Малоярославец шаҳрида биринчи жангга қирди. 14 октябрдан 15 октябрга ўтар кечаси эди. Саперлар взводининг командирида шаҳарга олиб борушни Белоселово қишлоғи ёнида тош йўли миналаштиришга, йўлга тош-шабаларни уйиб ташлашга бўйруқ берилди. Тун қоронгу, совуқ эди. Сапер солдатлар тажрибали, синовдан ўтган йигитлар эди. Қўмондонлик буйруғи бақарилиди. Эрталаб фашистлар ҳужумини бошладилар. Визининг артиллериячиларимиз ва пилота асарларимиз бара-варига ўт очиб душманин қарши олдидар. Душманинги икки танк миндан портлаб, яна бири кечаси ўқ остида қолганда фашистлар чекинди. Бироқ кўп ўтмай яна ҳужум уюштириди. Ҳужуматга олдинги позицияларимиз артиллерия ва минометдан қулиш ўққа тутди. Неҳислар қатта Ҳафотлар кўрса ҳам миналаштирилган майдондан ўтиб, шох, ўтинларни четга сургашарди. Шу пайтда биз-

Саперлар совет танклари ва бошқа техника кучларини поинт кўприкдан ўтишини таъминладилар.

— 1942 йил январда мени Ўрта Осиёдан етиб келган 34-алоҳида ўқчи бригадига ўтказишди, — дейди Нурдош ака Тошқулатов. — Бу қисм составида Москва, Калуга ва Смоленск областларининг кўпгина аҳоли пунктларини озод қилишда қатнашдим. Шу жумладан, улдус рус ёзувчиси Лев Толстойнинг ватани Ясная Поляна, Медвин, Дюхов шаҳарларини озод қилишда, Угра дарёсини кечиб ўтишда ва унинг ўнг қирғоғида Павлово қишлоғи билан плацдармин қўлга киритишда қатнашдим.

БИРДАМЛИК ҚУДАРАТИ

Тарутини яқинидаги жангларни 19-Қизил Байроқли танк корпуси ветерани, истребодатчи полковник Айнулла МАНСУРОВ ҳам эслайди.

Душман Москва яқинидаги қолган ўша оғир кунларда халқимизнинг буюк биглиги галабамизни таъминлаган асосий омиллардан бўлди, — дейди у. — Бир қизилкарди факт ҳамон кўз олдимда. Олдимизга бир поп келди. У қўлтигидан оғир олтин крестини олиб, титроқ қўлларини билан менга тутқазди: «Ўртоқ командир, мана шу бойбидини мудофая фондига топширсангиз, у менга ота-бобоимдан қолган энг қimmatли ёдгорлик бўлса-да, юртимга хизмат қилсин дейман»...

Жанглар билан чекинилаётган бир пайтда, ўша оғир давларда, крестининг кимга ҳам қизғин бор эди. Ҳозирги вазиятда мана шу олтинга қараганда поининг ўзи Совет ҳокимиятига кўпроқ хизмат қилиши мумкин деб, ҳаёлимдан ўтказдим. Халқимиз қолга қайтариб берав эканамиз, шундай дедим: «Отаҳон, рус жангчиларини дуо қилинг, қанқиллоқларинингизнинг келгиндиларга қарши курашишга мададкор бўлинг. Рус халқининг ота-боболари мана шу йўлда Наполеон тўдаларига қандай қирғин келтиргани бўлса немис босқинчиларини шундай яқсон этсин»...

Кўп ўтмай полии большевикчилик агент деб осон юбурганини эшитиб қаттиқ афсусландим. Унинг даъвати билан ерли аҳоли босқинчиларга ҳар томонлама қаршилик кўрсатишди. Ёшларни қордан тозалашга чиқишмабди, ғаллани, молларни яшириб қўйишди, партизандарга ердан беришди...

Урушнинг дастлабки даврлари совет кишиларига ҳад-сиз қийинчиликлар келтирди. Армиямиз тоҳ у, тоҳ бу қишлоқ ва шаҳарини ташлаб чекинарди. Лекин ўшанда ҳам халқимиз умидсизланмаган. Ғалаба биз томонда бўлишига, илҳимининг ҳаққонийлигига ишонган. Москва мудофаяси даврида А. Мансуров разведка ротасида хизмат қиларди.

— Тарутинида бир ёш офицерини асир олдим, — деб эслайди у. — Исин Гюнтер Апельт экан. Сўрам вақтида у ўзини маргуп тутарди.

— Фашист кузгунларга ҳеч қачон Москвага кўриш насиб этмайдди, биз эса Берлинда бўламиз, бунга шакшубда йўқ, — дедим. У кибор билан иржайиб қўйди. Мен унга «Омадинг бор экан, ўзимдан кутулиб қолдинг. Агар омон қолсам ҳали яна учрашамиз, ўшанда ким ҳақ эканлигини биламиз» дедим.

Кўп йиллар ўтди...

1964 йил Ўрта Осиё Халқ Ҳўжалиғи Кенгаши раиси С. И. Қадирбеков хонасида немис саноат делегацияси учун қабул маросими бўлаётган эди. Бу делегация ўша вақтда Бекобод металлургия заводида ўлаштирилган пўлатни узлуқсиз эритиш бўйича тажриба алмашиш учун келган эди. Қабул маросимида ҳозир бўлган, немислардан бири Степан Ивановичдан уэр сўраб, хонада ўтирган кишилардан бири билан сўзлашмоқчи бўлганини айтиди. Меҳмон менинг олдимга келиб, таъзим билан деди: «Сизни танидим, Сиз совет кишилари ўз илҳимининг ҳаққонийлигига беҳад ишонганлигиниз тўғрисида улуғ жангда етиб чиқдингиз. Мен қаршинида бош этаман!»

Бу Гюнтер Апельт эди...

ЮРДОШЛАР

БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Биринчи Москва Пролетар мотоўқчи дивизия (ҳозир у Ленин ордени, икки марта Қизил Байроқ, Суворов ва Кутузов ордени гвардиячи Пролетар Москва — Минск мотоўқчи дивизия деб аталади) урушдан илгарини йиллардаёқ бутун Қизил Армия орасида доврў қозонган эди. У машҳур ҳарбий бошчиларини етказиб берган. Тошкент автомобиль йўллари институтининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати Санд ИСЯНОВ унинг уста-

РЕКЛАМА

ЭВЛОНЛАР

4 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горничлар, кавалерска! 10.35 — Бадий фильм. 11.55 — Хужжатли фильм. 12.05 — Д. Шостакович. 1-кварет. 12.20 ва 15.00 — Янгилуқлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 — Усмирлар ижоди. 16.40 — Москва ва москваликлар. 17.10 — Халқ ижоди. 17.55 — Хужжатли фильмлар. 18.30 — Концерт. 19.05 — Дунё воқеалари. 19.20 — Хужжатли фильм. 19.40 — Концерт. 19.55 — Москва остоидаги немис фашист қўшинлари тор-мор қилинганлигининг 40 йиллиғига бағишланган тантанали мажлис ва концерт. 24.00 — Янгилуқлар.

ЭВТ-II

18.10 — «Ешлик». 18.40 — Реклама. 19.00 — Чизма геометрия. 20.00 — Янгилуқлар. 20.20 — Немис тили. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Ҳама ерда ва ҳар соҳада тоқамкор бўлайди. 21.30 — МТ-IV.

ТЕАТР

ҲАМЗА, НОМИЛ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4[ХП да Нодира, бегим, 6[ХП да Гурунг (пре-мьера).

МУҚИМИЯ НОМИЛ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛ ТЕАТРИДА — 4[ХП да «Ешликда берган кунли». 5[ХП да «Вой, док!» 6[ХП да Ишонмасанг, уламан.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли (19.30).